

Govhar RAHMATOVA,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
PhD researcher of the classical oriental
literature and source study. gokki1990@mail.ru
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.
Тел: (94) 650-62-61 мобил.

“ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК”ДАГИ ТЎРТЛИКЛАРДА РАНГЛАР СИМВОЛИКАСИ

СИМВОЛИКА ЦВЕТА В ЧЕТВЕРОСТИШЬЯХ “ДИВАНИ ЛУҒАТИ-Т-ТЮРК”

THE SYMBOLISM OF COLORS IN THE QUATRAINS “DIVANI LUGATI-T-TURK”

Калит сўзлар: оғзаки адабиёт, ранг, рамз, образ, бадий тафаккур, бадий услуб, маданият, семантика.

Ключевые слова: фольклор, цвет, символ, образ, художественная мысль, художественный стиль, культура, семантика.

Key words: folklore, color, symbol, image, artistic thought, artistic style, culture, semantics.

Туркий халқларнинг бадий тафаккури асарлар оша бизгача етиб келган фольклор асарларида ўз ифодасини топган. Бу асарлар ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда кучли ғоявий восита сифатида аҳамиятли. Ўзида туркий халқлар оғзаки ижод намуналарини жамлаган “Девону луғати-т-турк” [4; 254-256 б.] шундай асарлардан бири. Асардаги тўртликларда туркийларнинг бадий-эстетик дунёқараши нозик бадий тасвир воситалари орқали ифодаланган. Шеърлар бадий қийматини оширишда рангларнинг аҳамияти катта.

Туркий тилларда ранг ва унинг семантикаси-га бағишланган дастлабки тадқиқотни академик А.Н.Кононов [7; 159-179 б.] бошлаб берган бўлса, кейинчалик Э.С.Инанж [5; 86-92 б.] мақолаларида ҳам ранглар семантикаси ўз аксини топган.

Юртимизда қадимги туркий тилда ранглар семантикаси ҳақида Л.Мирзоҳидова ҳамда Қ.Содиқов тадқиқотларида маълумот келтирилган. Л.Мирзоҳидованинг тадқиқотларида “Қутадғу билиг” ҳамда “Девону луғати-т-турк”даги рамзий образларда рангларнинг ўрни қиёсий таҳлилга тортилган

Ранглар қадимдан у ёки бу халқнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, маросими, кўҳна қарашлари билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, туркий халқларда ранглар бадиий тафаккурда ўзига хос ўринга эга. “Девону лугати-т-турк”даги шеърӣй узиндилар бунга мисолдир.

Мақолада туркий халқлар оғзаки ижодида ранг-тасвирнинг ўрни, унинг семантикаси, туркийлар ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти хусусида сўз боради. Бунда туркий халқлар ҳаётида қўлланган ранг-тасвир билан боғлиқ топоним, этноним, шунингдек, кимса сифатини билдиришда рангларнинг ўрни кўрсатиб берилди. Шеърӣй узиндилардаги ранг билан боғлиқ бирикмалар бадиияти ва стилистик хусусиятлари таҳлил қилинди.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, “Девону лугати-т-турк”даги шеърӣй узиндиларда қўлланилган ранг-тасвирга туркий халқларда ранг инсон ва табиат, инсон ва коинот ўртасидаги муносабатларнинг муҳим рамзидан бири сифатида қараш мумкин. Асарда келтирилган шеърларда эзгулик, фаровонлик рамзи сифатида оқ, буюклик, улуғлик, ёшлик рамзи ҳисобланган қора, жонланиш, янгиланиш тимсоли сифатида қаралувчи яшил (кўк), кучлилик, жўшқинлик белгиси қизил ҳамда айрилиқ ва ҳижрон тимсоли сариқ ранглар учрайди. Бу ранглар энг қадимий эътиқодий тасаввурлар сифатида ранг билан боғлиқ бошқа рамзларга қараганда анча илгарироқ ўз талқинига эга бўлган.

Цвет издревна тесно связан с социально-культурной жизнью, обрядами и древними взглядами того или иного народа. В частности, у тюркских народов цвета имеют своеобразное значение в художественном мышлении. Примером этому являются стихотворные отрывки из “Дивани лугати-т-турк”.

В статье рассматривается роль цвета-описания в устном творчестве тюркского народа, его семантика и значение в общественной жизни в тюркском обществе.

В статье говорится о топонимах, этнонимах связанных с цветами-картинами которые использовались в быту тюркских народов, а также показана роль цвета в отражении качества личности.

Проанализированы художественные и стилистические особенности словосочетаний в стихотворных отрывках, связанные с цветом. Результаты анализа показывают, что цвета-картины, использованные в стихотворных отрывках “Дивани лугати-т-турк” можно рассматривать как один из важнейших символов взаимоотношений человека и природы, человека и вселенной в тюркских народах. В стихах, приведенных в произведении, встречаются как символ благополучия – белый, величественности и молодости – черный, оживления и обновления – зеленый (синий), силы (мощи), энтузиазма – красный, разлуки и расставания – желтый. Эти цвета в качестве вероубеждения символизировались намного раньше, чем другие символы, связанные с цветом.

The colors of ancient times are closely related to the socio-cultural life, rituals and ancient views of a particular nation. In particular, among Turkic peoples, colors have a peculiar meaning in artistic thinking. An example of this is the poetic excerpts from the “Divani lugati-t-turk”.

The article discusses the role of color-description in the folklore of the Turkic people, its semantics and significance in public life in Turkic society. The article speaks about toponyms, ethnonyms associated with the colors-paintings used in the everyday life of the Turkic peoples, and also shows the role of colors in reflecting the quality of a person.

The artistic and stylistic features of phrases in verse passages associated with colors are analyzed. The results of the analysis show that according to the color-pictures used in the poems “Divani lugati-t-turk”, color can be considered as one of the most important symbols of the relationship between man and nature, man and the universe. In the verses cited in the work are found as a symbol of well – being – white, majesty and youth – black, revitalization and renewal – green (blue), strength (power), enthusiasm – red, separation and parting – yellow. These colors were symbolized as creeds much earlier than other symbols associated with colors.

бўлса [10, 11], Қ.Содиқовнинг туркий тил тарихига бағишлаб ёзилган китобларида рангларнинг маънолари ёки туркийларнинг диний қарашларида рангларнинг ўрни кўрсатиб берилган [13, 14].

Эски туркий тил даврига оид асарларда ранглар семантикасига бағишлаб қуйидаги олимлар илмий изланишлар олиб борган: Б.Бафоев [1, 2], Ё.Исҳоқов [6], С.Ўтанова [16] ва бошқалар. Ушбу тадқиқотлар асосан Алишер Навоӣй ижодий мероси билан боғлиқ.

Юқорида номлари тилга олинган олимлар тадқиқотларида “Девону лугати-т-турк”даги шеърӣй узиндилардаги ранглар семантикаси яхлит иш

объекти сифатида белгиланмаган. Л.Мирзоҳидовнинг тадқиқотларида ҳам “Девону лугати-т-турк”даги ранглар билан боғлиқ шеърӣй узиндиларнинг барчаси таҳлилга тортилмаган.

Ушбу мақолада асарда берилган шеърӣй узиндилардаги ранглар ва улар билан боғлиқ рамзларга эътибор қаратамиз.

رنگ [9; 31 б.] қадимдан шарқ халқларида, хусусан, туркийлар турмуш тарзида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки туркийларнинг удум, анъана ва диний маросимлари бевосита ранглар билан боғ-

лик. Масалан, тўй-томоша, ибодат, диний маросимлар ва туш таъбирномаларида ранглар рамзи алоҳида аҳамиятга эга. Бизгача етиб келган битиктошлар ва қўлёзма манбалар буни тасдиқлайди.

Қадимги халқлар ҳаётида рангларнинг қўлланиши [Бу ҳақда қаранг: 17, 18, 19, 20] шу қадар кенг бўлганки, топоним, этнонимлар, шунингдек, кимсанинг сифатини билдириш каби ҳолатларда ранглар турли хил мазмунда фойдаланилган. Мисол учун: “оқ ранг” – Ғарбни, “кўк ранг” – Шарқни, “қора ранг” – Шимолни, “қизил ранг” – Жанубни билдиради. “Оқ хунлар” деганда ғарбий ўлкалардаги қанқа ва кушонлар назарда тутилади. “Кўк турклар” дейилганда шарқий турклар тушунилиши ҳам, эҳтимол, шундандир [13; 234-235 б.].

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида келтирилган топонимлар ичида ҳам ранг билан боғлиқлари кўп: *Qarayığaç* – чегарадаги бир шаҳар [9; 60 б.], *قزىل Qizil – Kāšgar* да бир дарёнинг номи [9; 158 б.] ва ҳоказо. Шеъринг узиндиларда ҳам ранглар билан боғлиқ рамзий образларни учратиш мумкин.

Туркий халқларда ранг инсон ва табиат, инсон ва коинот ўртасидаги муносабатларнинг муҳим рамзларидан биридир [Қаранг: 12; 3 б.]. Туркий халқлар оғзаки ижодида оқ, қора, кўк, қизил, яшил ва сариқ ранглар учрайди. Бу ранглар энг қадимий эътиқодий тасаввурлар сифатида ранг билан боғлиқ бошқа рамзларга қараганда анча илгарироқ рамзлашган. Ҳозир ҳам бу ранглар ўзининг эътиқодий моҳиятларини тўла сақлаб қолган. Шунинг учун ҳам шеърятда мана шу ранглар билан боғлиқ рамзлар кўп қўлланилади [3; 13-14 б.]. Қадимдан оқ ранг “яхшилиқ, бахт”, қизил ранг “олов, қуёш, қон” рамзи бўлса, қора ва кўк ранг мотам белгиси сифатида қаралган [Қаранг: 16; 12 б.]. Буни “Девону луғати-т-турк” асарида келтирилган шеъринг узиндиларда ҳам кўришимиз мумкин.

Қизил ранг. Бу ранг Шарқда, туркий халқларда кенг маънода қўлланган. Мисол сифатида айтиш мумкинки, бу халқлар қизил рангни географик томонларни ёки хурсандчилик ва шодлик [16; 15 б.] ни ифодалашда ишлатган. Туркийлар қизил рангни хитойликларга нисбатан ҳам қўллаган. Қизил сўзи этноним ва топонимларнинг узви сифатида тушунчани аниқлаштиришда ишлатилиб келинган. Масалан, *Qizil öz – Kāšgar* тоғларининг биридаги қишлоқ [9; 45 б.].

Қизил сўзи қадимги туркий халқларда географик жиҳатдан ҳам йўналиш олишда, хусусан, жануб томонни кўрсатиш ва номлашда ишлатилган. Умуман, туркий халқларда дунёни кенг тасаввур этиш ва қутбларни турли ранглар асосида аташ мавжуд эди. Туркийлар *Kāšgar*нинг жанубидаги дарёни *Qizil* [9; 158 б.] деб аташган ёки *Qara deniz* [21; 9 б.] бунга мисол бўла олади.

Қолаверса, дарё ёқаларининг сўлим табиатини тасвирлаш учун ҳам *qizil* рангдан фойдаланилган. Мана бир мисол:

*Qizil, sariğ arqaşip,
Yepkin, yaşil yüzkaşip,
Bir-birgärü yörgäşip,
Yalıñjuq anı tanlaşur.*

Мазмуни: Қизил, сариқ гуллар бир-бирига суянишиб, яшил райҳонлар бир-бири билан ўралашиб кўринади. Уларни кўрган киши танг қолади [9; 158 б.].

Катта ҳудудда ўз давлатини барпо этган туркий халқлар бепоен далалар, қир-адирлар ва тоғларда яшаган. Кўклам туркийлар яшаган жойларни гўзалликка буркаган. Парчада кўклам келиши билан очиладиган гуллар ва уларнинг ифори бадийликка ўраб тасвирланади. Шу боис парчадаги гулларнинг ранги қизил (хурсандчилик ва шодлик рамзи), сариқ (қуёш ва кўклам рамзи) ва яшил (жонланиш ва янгилиниш рамзи)дир. Бу ранглар кўшиқда гулнинг истиорасидир.

Халқ оғзаки ижодида бу рангнинг бошқа маънолари ҳам бор. Жумладан, душман оти таърифланган қуйидаги тўртликка эътибор қаратинг:

*Yügürdi kewäl at,
Čaqıldi qizil ot,
Küyürdi arut ot,
Sačrab änin örtänür*

Шеър мазмуни: Учар от чопганда туёқларидан ўтлар чақнади. Ундан чақнаган ўт (сахро) хашакларини куйдириб юборди [9; 248 б.].

Шеърда оҳанги билан боғлиқ уч сўз бор. Булар *at* – от, жонивор, *ot* – олов, ҳамда *ot* – ўт, майса. Иккинчи мисрадаги *qizil* сўзи *ot* нинг сифатидир.

Шеърнинг ритмига эътибор қилинса, жанговарликни уқиш мумкин. Қадимдан қизил ранг туркийларда қайноқлик, жўшқинлик ва жонлиликни

билдирган бўлса, немислар ўтмишида бу ранг *кучлилик ва уруш* [16; 16 б.] ранги ҳисобланган. Узиндида отнинг туёқларидан чақнаган ўт теварақтаги хас-чўпларни куйдирар даражада, деб муболағадан фойдаланилган.

Куйидаги узиндида эса, қизил ранг туркий халқлар оғзаки ижодида қон рамзи сифатида қаралганига ҳам гувоҳ бўламиз:

*Keçä turup yorir erdim,
Qara, qizil böri kördüm.
Qatig' yanı qura kördüm,
Qaya körüp baqu ağdı.*

Мазмуни: Кечаси туриб кезар эдим. Қора, қизил бўрилари кўриб қолдим. Кучли, қаттиқ ёйимни отишга ҳозирладим. Бўрилар менга қарашди, мени кўриш билан орқасига, юқориларга кўтарилди [9; 399 б.].

Овчи бўри овидаги маҳорати ва қаҳрамонлигини таърифлашда *qara* ва *qizil* рангларида фойдаланган. Яъни бўрининг кучлилиги *qara*, йиртқичлиги ва қонга ўчлиги *qizil* ранглари орқали берилаган. Бу орқали овчи ўзининг йиртқич олда қўрқмагани, мардонавор ҳаракатини бадиий тасвирлайди.

Оқ ранг. “Қор, сут, пахта рангидаги” [15; 557 б.] каби маъноларни англатувчи оқ ранг қадимдан ономистикада, этнонимларда, топономикада, кишини сифатлашда кенг қўлланилган [Қаранг: 7; 170-172 б.].

“Девону луғати-т-турк”даги шеърый узиндиларда эса оқ ранг “поклик, эзгулик, фаровонлик, ёруғлик” каби мазмунни ифодалаш учун хизмат қилган. Мисол учун:

*Quydi bulut yağmurin,
Kerip tutar aq torin.
Qirqa qodti ol qarın,
Aqin aqar enräşür.*

Шеър мазмуни: Булут оқ тўрини ёйиб, осмонга ёмғирини қуйди. Қорларини у тоғларга ташлади. Тоғдан ҳайқириб сел оқаётир [9; 337 б.].

Туркийларда чорвачилик кенг ёйилгани сабабли қир-адирларда ўт-ўланлар мўл бўлиши халқ тўқ ва яхши яшашининг омили сифатида қаралган. Шу боис кўклам ёмғири қут-барака рамзи ҳисобланган.

Келтирилган тўртликда осмон оқ тўрини ёзиб, ёмғирни ёғдиради. Бунда осмон тўрига айнан *aq*

сифатининг ишлатилишига сабаб, қут-барака “эзгулик, фаровонлик” белгисидир.

*Ay qorub ewlänüp,
Aq bulit örlänüp.
Bir-bir üzä öklünüp,
Saçlib suwı agraşur.*

Мазмуни: Ой чиқиб, оқ булут мавжланиб, (булутлар) бир-бирининг устига тўдаланганда, гулдорос чалиб суви сочилади [9; 110 б.].

Қора ранг. Ранглар хусусияти халқ тасаввурлари, унинг яшаган ўлкаси билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, “Авесто”дан маълум бўлишича, қора ранг қадимги халқлар турмуш тарзида бало-қазо, мусибат, шунинг билан бирга, ёвузлик ва ёмонликни ифодалаб келган. Ушбу матнларда Аҳриман тасвири қора ранг билан берилади. Аммо қадимги туркий халқларда қора ранг буткул ўзгача мазмунда ишлатилган. Хусусан, бу сўзнинг ономастик жиҳати ҳам бўлиб, у турк хоқонларининг исмларига *qara* – буюк сифатини қўшиб ҳурмат қилинган, улуғланган [7; 161-170 б.].

Қадимги даврда яйлов халқи, унинг ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ эди. Яйлов халқининг мақсади табиатга бўйсунмаслик эмас, аксинча, кишилар табиат билан тинч яшашга ҳаракат қилишган, бунга маълум тажриба билан эришилган [Қаранг: 8]. Табиат ҳодисалари билан муроса қилиш жараёнида кишилар яхши (*aq*) ва ёмон (*qara*) нарсаларга дуч келган. Оқ қаршисида доимо қора ранг мавжуд бўлган.

А.Н.Кононов қора рангнинг қоронғулик, совуқ, қалин, катта, кучли, шафқатсиз, оммавий, нозилик, ноаниқлик, қийинчилик, қийин ташвиш, қашшоқлик ва бошқа маъноларини келтириб ўтган [Қаранг: 7; 161-170 б.]. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзнинг йигирмага яқин маъноси келтирилган.

Туркийларда тарихий тараққиёт, дин омили ва маданиятлар алмашинуви натижасида ранг билдирувчи сўзлар ўз маъносидан узоқлаша бошлаган. Куйида *qara* сўзининг туркий фольклор намуналаридаги мазмунига эътибор қаратамиз:

*Ani yetip süñülädi,
Başın yanduru yañılädi.
Erän bayup müñilädi,
Aniñ alpın qara boğdı.*

Шеърда қўшинни енгган бир эр таърифланади: У унга етиб олди, найза санчди, битган ярасини яна янгилади, талаган моллардан кишиларга бўлиб берди. Ёв алпларини қора бўғди [9; 462 б.].

Бунда *qara* сўзи “қудратли” ва “қўрқинчли” маъноларини ифодаламақда. Негаки, ёв қўшинини енгган алпнинг душманга ташланиши қора ажал сингари тасвирланган. Яъни *qara* сўзи *boğdı* нинг сифатловчиси бўлиб келган. *Qara boğdı* бирикмаси ёвга бало-қазо каби ташланган йигитнинг қудратини кўрсатмоқда.

Қуйидаги парчада эса *qara* сўзи “мусибат” маъносида келганини кўриш мумкин:

*Bermiş senin, bil,
Yalınuq tapar qarınqa.
Qalmış tawar adinnin
Kirsä qara orunqa.*

Шеърнинг мазмуни: Билгилки, бировларга берганинг ёки ўзинг еганинггина сеники, чунки одам қорни учун ҳаракат қилади. Одам гўрга киргач, қолган моли бошқаникидир [9; 400 б.]. Шундан кейин Маҳмуд Кошғарий, *قرا ارن qara orun* нинг асли маъноси “қоронғи ер” демақдир, деб таъкидлаб қўяди.

Панд-насиҳат мазмунидаги ушбу парчанинг дастлабки мисраларида берганинг сеники, қорин учун ишлашинг керак, деган мазмун таъкидланса, охирги мисраларда эса инсон *qara orun*, яъни қабрга киргач, моддий бойлик бошқага қолиши айтилади. Демак, қадимги туркийларда ҳам сўзлар, айнан ранг билан боғлиқ сифатлар вақт ўтиши ва маданий алмашинувлар натижасида турли маънога кўча бошлаган.

“Девону луғати-т-турк”даги шеъринг узиндиларда қора сўзининг “кучли” маъноси ҳам қўлланган. Мисол учун:

*Keldi esin esnäyü,
Qadqa tügäl üsnäyü.
Kirdi bodun qusnayü,
Qara bulit kökräšür.*

Шеър мазмуни: Шамол эсиб келди. Бу (ел) совурадиган бўронга ўхшайди. Халқ совуқдан титради, қора булутлар гулдиради [9; 275 б.].

Бадий адабиётда тасвир ва таърифларда ранглар муҳим ўрин тутати. Чунки бирор кимса ёки

нарсаси тасвирланганда рангни билдирувчи сифатлар кўп қўлланади. Қадимги туркийларда ҳам бадий адабиётда ранглар ана шу вазифани бажаради. Қуйидаги шеърда эътибор берайлик:

*Bulnar meni ulas köz,
Qara meniz, qizil yüz.
Andin tamar tükäl tüz,
Bulnar yana ol qaçar*

Шеър мазмуни: Мاستона кўзли, кўркам юзли, қоп-қора холли севиқлим, ёноқларидан ёқимлилик томаётгандек мени асир қилади. Асир қилади-да, сўнг қочади [9; 37 б.].

Яна бир мисол:

*Berim menä söz-kiyä,
Menlig qara tuz-qıya.
Yalwın tutar köz-kiyä,
Muñum menin bilin-ä.*

Шеър мазмуни: Менга биргина сўз айт, ваъда бер, эй қора холли, юзлари ёқимли, эй сеҳрли кўзлари билан овлайдиган гўзал. Севгидаги менинг дарду аламларимни тушун [9; 444-445 б.].

Юқоридаги шеърларда қора ва қизил ранглар “гўзаллик” ва “навқиронлик” рамзи бўлиб келган.

Шарқ поэтикасида ёрнинг қора холи гўзаллик атрибутларидан саналади. Туркий халқлар фольклоридида *qara* сўзининг ижобий маънолари ҳам мавжуд. Хусусан, маъшуқа доимо қора соч ва қора кўзли сифатида таърифланади. Бу эса “ёшлик, гўзаллик, чирой” маъноларини билдиради.

Ёрнинг маъшуқа висолини истаб ўтказган кунлари *qara tün*, яъни “ўтиши қийин бўлган машаққатли азоб”га қиёсланади. Мисол учун:

*Qara tünüg keçürsädim,
Ağır unı uçursadım.
Yetikänig qaçursadım,
Saqış içrā künüm tuğdı.*

Мазмуни: Қоронғи кечанинг ўтишини истадим. Оғир уйқуни қочиришни истадим, бир неча марта Етти қароқчи юлдузининг айланишини санадим. Санамоқда эдим, кундуз қуёши порлаб чиқди [9; 410 б.].

Сарик ранг. Марказий Осиё халқларида қадимдан сарик ранг моҳиятан “олов, иссиқлик, қуёш

нурлари ва бойлик” рамзи ҳисобланса-да, бадий адабиётда кўпинча куз, хазонрезги, тугаб бораётган умр, армон, айрилиқ каби руҳий изтиробга йўғрилган ҳолатларга ташбиҳ сифатида келиб, бадий матнга поэтик эмоционаллик бахш этади. Дейлик, бадий матнда қўлланган “қизил гул” бирикмаси кўпинча “муҳаббат, оила” маъноларида келса, “сарик гул” “айрилиқ, бевафолик” белгиси сифатида талқин қилинади.

Туркий тилларда *sarīq* сўзининг турли шакл ва маънолари борлигини қайд этиш жоиз. Хусусан, бу сўзнинг *sarīg*, *sarīq*, *sarīx* шакллари ҳамда сарик ранг маъносидан ташқари *рангсиз*, *қизғиш*, *оч жигарранг*, *рангин сарик*, *тухумранг*, каби мазмунлари учрайди [7; 174 б.].

Шеърятда ошиқ ўз маҳбубасининг ҳажрида азоб чекса, юзим сарғайди дея зорланади. “Девону луғати-т-турк”даги адабий парчаларда эса *сарғаймоқ* сўзи орттирма даражани ифодалаш мақсадида *сарғармоқ* шаклида қўлланган ва бу ошиқнинг ёр ҳажрида чекаётган азобларининг чексиз-чегарасиз эканлигини англатади. Мана бунга мисол:

*Üdik meni qumittī,
Sağınç meñä yumittī.
Könlüm anar emitti,
Yüzüm meniñ sarğarur.*

Мазмуни: Суюкли бўлган ишқ ва муҳаббат мени ҳаяжонга солди. Соғинчим ҳам тўпланди. Кўнглимни унга (ёрга) берганман. Шунинг учун юзим сарғармоқда [9; 41 б.].

Бошқа бир шеърда:

*Beglär atin arğurur,
Qadği anı turğurur,
Meñzi yüzi sarğarip,
Kürküm anar türtülür.*

Afrāsīyāb нинг ўлимига ачиниб айтмоқда: Беклар отларини чарчатиб келдилар. Қайғу бекларни оздирди, юзлари заъфарон сургандек сарғайиб кетди [9; 192 б.].

Ушбу парчаларда сарик ранг “заифлик”, “хорғинлик” маъноларини анлатувчи рамзий ифода сифатида қўлланган.

Аслида *сарғаймоқ* шаклидаги бу сўз кейинги давр ўзбек шоирлари ижодида ҳам моҳирона усулда қўлланган. Негаки, *сарғаймоқ* сўзига қараганда

сарғармоқ сўзини қўллаш билан шоир ушбу сўзнинг бўёқдорлиги ва таъсирчанлигини оширади. Демак, бундай сўзларнинг турли қирралари билан нозик муносабат ўрнатиш туркий халқлар шеърятини яна ҳам қадимийроқ эканлиги маълум бўлади. Ушбу ҳолатни эса биз дастлаб “Девону луғати-т-турк”даги шеъринг узиндиларда учратишимиз мумкин.

Яшил (кўк) ранг. Туркийлар ўз диний қарашларини турли поэтик ифодаларда талқин этган. Бунда энг эътибор қилинадиган жиҳат, уларда асосан ранглардан фойдаланилган. Бунда, асосан, кўк ранг устувордир. “Тарихан *kök* сўзининг “осмон”, “ранг”, “илдиз, асл” маънолари бўлган. Битигларда кечган *kök türk* номи “асл турк” маъносидадир” [14; 6 б.].

Қадимги туркийлардаги *kök tängri* тушунчасини ранг билан боғлиқ ҳодисаларга қориштирмаслик керак. Бу ўринда *kök tängri* нинг рангга боғлиқлиги йўқ: у “Осмон-тангри” тушунчасини беради [14; 7 б.].

“Девону луғати-т-турк”даги тўртликда осмон яшил (кўк) рангга яратилганлиги тилга олинади:

*Yarattı yaşıl çaş,
Sawurdi örün qaş,
Tizildi Qaraquş,
Tün-kün üzä yörgänür.*

Мазмуни: (Тангри осмонни) тиниқ феруза рангли қилиб яратди, (унинг устига) оқ қош (узук кўзи)ни сочди. Қорақуш (Мезон юлдузи) тизилди. Тун кун устига қопланди [9; 136 б.].

Шеърдаги ранглар ва уларнинг хусусиятига тўхталадиган бўлсак, даставвал, уларнинг маъносини билиб олиш жоиз. Хусусан, шеърнинг дастлабки мисраларида келган *yaşıl* сўзи аслида *кўк ранг*ни билдиради. Шеърда тангри осмонни *кўк ранг*да яратиб, юлдузлар билан беагани таъкидланади. Туркийлар дунёқарашига кўра *кўк ранг* “софлик; мусаффолик”дан ташқари илоҳий қудрат рамзи ҳамдир.

Хулоса. Туркий халқлар оғзаки ижоди намуналарини кузатар эканмиз, уларда асосан оқ, сарик, қизил, кўк, қора ранглари рамзий образлар ҳосил қилган. Бу ранглар орқали халқнинг диний қарашлари, бадий тафаккури, табиат билан боғлиқ муносабатлардаги ҳис-туйғулари ифодаланади.

“Девону луғати-т-турк”даги шеъринг узиндиларда ҳар бир ранг ўзига хос маъно касб этган. Оқ – эз-

гулик, фаровоналик; қизил – кучлилик, жўшқинлик; яшил – жонланиш, янгиланиш; сариқ – айрилиқ, хижрон; қора – буюклик, улуғлик, ёшлик рамзларини билдирган.

Шеърини узиндилардаги ранг билан боғлиқ бирикмалар ўзининг бадияти, семантикаси ва стилистик хусусиятлари билан ажралиб туради. Ранг-тус билдирувчи сифатлар ўзининг тасвирни бўёқдор ва ўйноқи қилишда, метафора, метонимияларни вужудга келтиришда аҳамиятли саналади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Bafojev B. Navoiy g'azallarida rang bildiruvchi so'zlar // O'zbek tili va adabiyoti, 1984. – № 5. – B. 51-56.
2. Bafojev B. Navoiyning “Favoyid ul-kibar” devonida rang ma'nosidagi so'zlar // Adabiyot ko'zgusi, 2002. – № 7. – B. 20-24.
3. Jumatova N. Hozirgi o'zbek she'riyatida rang bilan bog'liq ramziy obrazlar. Filol.f.d... diss. – T., 2010.
4. Zeynep Korkmaz. Kâşgarlı Mahmud ve Divanı lûgatı't türk. // Türk Dili Üzerine Araştırmalar. – C. 1. TDK.: 629. – Ankara, 1995. – C. 254-260.
5. Inandj E.S. Slova svetooboznacheniya “chyorniy” i “krasniy” v slavyanskix i tyurkskiy yazikax. // Filologicheskie nauki. Voprosi teorii i praktiki. – № 4 (34). – M., 2014. – S. 86-92.
6. Is'hoqov Yo. Ranglar ramzi. Navoiy poetikasi. – T.: Fan, 1983.
7. Kononov A.N. Semantika svetooboznacheniy v tyurkskiy yazikax. // Tyurkologicheskiy sbornik. 1975. – M.: Nauka, 1978.
8. Mazhitayeva Sh., Kaskatayeva Z. Color semantics: linguistic-cultural aspect. // International Journal of Language and Linguistics, 2013. – № 1 (1). – P. 36-37.
9. Mahmud Koshg'ariy. Devonu lug'ati-t-turk. Nashrga tayyorlovchi: Q.P.Sodiqov. – T.: Fan, 2017.
10. Mirzoxidova L. “Qutadg'u bilig” va “Devonu lug'otit turk” asarlarida ranglar tasviri majoz // SamDU ilmiy tadqiqotlar axborotnomasi. – S., 2009. – №4. – B. 46-52.
11. Mirzoxidova L., Daminova R. “Devonu lug'otit turk”da keltirilgan she'riy parchalarda ramziylikni hosil qiluvchi vositalar. // “Mahmud Zamaxshariy, Mahmud Koshg'ariy va Alisher Navoiyning lingvistik merosi hamda uning turkiy tillarni o'rganishdagi o'rni” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – S.: SamDU, 2018. – B. 249-253.
12. Oxoniyozev V.D. Svetovaya simvolika v persidsko-tadzhikskoy klassicheskoy poezii. Diss. avtor... dok. filol. nauk. – D., 2010.
13. Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. – T.: ToshDSHI, 2009.
14. Sodiqov Q. Qadimgi turkiy xalqlarning diniy-falsafiy qarashlari. – T.: ToshDSHI, 2004.
15. O'zbek tilining izohli lug'ati. Z.M.Ma'rufov tahriri ostida. Ikki tomli. I tom. – M.: Rus tili, 1981.
16. O'tanova S. Alisher Navoiy g'azaliyotida rang simvolikasi. Filol.fan... diss. – T., 2007.
17. Fasmer M. Etimologicheskiy slovar russkogo yazika. – T. 1. – M.: Progress, 1986.
18. Fasmer M. Etimologicheskiy slovar russkogo yazika. – T. 2. – M.: Progress, 1988.
19. Fasmer M. Etimologicheskiy slovar russkogo yazika. – T. 3. – M.: Progress, 1987.
20. Fasmer M. Etimologicheskiy slovar russkogo yazika. – T. 4. – M.: Progress, 1987.
21. Hasanov H. O'rta Osiyo joy nomlari tarixidan. – T., 1995.

